

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

КАФЕДРА: ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

КУРС ИШИ

МАВЗУ: Ҳуқуқдаги презумпциялар ва фикциялар

**Бажарди: Толипов Бекзод
"2-ҳуқуқ" факультети
"Б" поток 3 -гуруҳ талабаси**

Текширди: ўқт. З.А. Амиров.

ТОШКЕНТ-2011

РЕЖА:

КИРИШ

- 1.Хуқуқ тарихидаги презумпция ва фикциялар**
- 2.Хуқуқдаги презумпция тушунчаси ва турлари**
- 3.Хуқуқдаги фикция тушунчаси ва мазмуни**
- 4.Хуқуқий презумпциянинг бир кўриниши сифатида - Айбсизлик презумпцияси**

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан боришини эълон қилди. Бу борада республикаимиз Президенти И.А.Каримов шундай дейди: «Барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш пировард мақсад бўлиб қолиши керак. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин...

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Бу - мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу - инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»¹.

Барчамизга маълумки, жамият ҳаётида кишилар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи ижтимоий нормалар тизимида ҳуқуқ нормаларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Ҳуқуқ ҳозирги кунда нафақат давлат томонидан ўрнатиладиган умуммажбурий қоида, балки инсонларнинг асосий эҳтиёжлари ва манфаатларини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган асосий восита ҳамдир. Шу нуқтаи назардан олганда ҳуқуққа оид бўлган асосий категорияларни ва тушунчаларни ўрганиш ва билиш нафақат ҳуқуқшунослик факультетлари ва ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар томонидан ўзлаштирилиши, балки ҳуқуқ деганда уни кўпроқ субъектив маънода тушунадиган оддий фуқаролар учун ҳам ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикаимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ислохотлар амалга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - 43-б.

оширилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгилари бўлган ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган шахсларни табиълаш-бу ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоғи лозим.²

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг ҳуқуқшунослик соҳасида кўплаб изланишлар олиб борилди, жумладан собиқ иттифок даврида ҳуқуқ моҳияти ва мазмунига оид бўлган илмий-назарий қарашлар тубдан ўзгарди ва инсон, жамият, давлат муносабатларининг ҳамоҳангликдаги мавжуд бўлишига оид янгича ёндашувлар пайдо бўлди.

Юриспруденция соҳасида ҳуқуқ масаласини кўплаб ўзбек ва рус олимлари тадқиқ қилишди ва илмий фаолиятларини давом эттирмоқдалар, ўзбек олимлари: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов, ю.ф.д., проф. Ҳ.Б.Бобоев, ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов, ю.ф.д., проф. А.А.Азизхўжаев, ю.ф.д., проф. М.М.Файзиев, ю.ф.д., проф. Х.Т.Одлқориев, ю.ф.д., проф. У.Таджиханов, ю.ф.д., проф. С.М.Адилхўжаева, ю.ф.н., доц. М.А.Ахмедшаева, ю.ф.н., доц. Н.С.Сабуров, ю.ф.н., доц.М.К.Нажимов, ю.ф.н., доц. М.А.Ҳамидова, ю.ф.н., доц. Ф.П. Хайитбоев, ю.ф.н.О.О.Хусанбоев, рус олимлари: ю.ф.д., проф. З.М.Черниловский, ю.ф.д., проф. И.Зайцев, ю.ф.д., проф. М.И.Байтин, ю.ф.д., проф. В.Н.Кудрявцевлардир.

Аммо, ҳуқуқдаги презумция ва фикциялар масаласи алоҳида мавзу сифатида Ўзбекистонда тадқиқ этилмаган, шу сабабли, мен давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳуқуқдаги презумция ва фикциялар тушунчаси, моҳияти ва мазмунига оид маълумотларни имкон қадар ўрганиб таҳлил қилмоқчиман.

² Сабуров Н.С. Нажимов М.К. Ҳуқуқ: асосий тушунча ва атамалар.Т.:ТДЮИ, 2005.-79 Б

1. Ҳуқуқ тарихидаги презумпция ва фикциялар

Презумпция-лотинчадан таржима қилинганда (praesumptie) “эҳтимол”, “фараз қиламан” деган маъноларни беради. Юридик термин сифатида ҳуқуқий муносабатларда юридик фактларни ўрнатиш учун хизмат қиладиган, ҳақиқатни аниқлаш ва даъволи масалаларни ҳал этишда қўлланиладиган тушунчадир.

Юридик презумпциялар келиб чиқиш тарихига кўра латин ва рим ҳуқуқидан анча олдин пайдо бўлган. Жамиятдаги тартиблар ва ўрнатилган қоидаларга амал қилмаслик оқибатида қонунни билиш презумпцияси келиб чиққан. Уларни номологик презумпция деб аташимиз мумкин (қонун билан танишиш)³. Жамиятда одат нормалари кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ҳукмронлик қилиб турган бир пайтда мажбурий ва мажбурий бўлмаган ҳуқ-атвор мавжуд эди. Муносабатларни тартибга солишга эҳтиёж туғилиши биланоқ жамоа томонидан қарор қабул қилинган ва сайланган вакиллар томонидан қонун шакллантирилган. Ахиллес қалқонида (Иллиада) акс этган суд жараёни шундан далолат берадики, қарорни муҳокама қилиш жараёни оммавий равишда амалга оширилган. Ёзма қонунчилиكنинг вужудга келиши билан бу соҳадаги шароит ўзгариши шарт эди аммо, билимсизлик, маълумотларнинг етиб бормаслиги, турар жойларнинг узоқлиги ва бошқа ҳодисалар бунга салбий таъсир кўрсатиб турган. Айниқса бир неча асрлик одат нормалари ва аънаналарга ёзма қонунчилик зид келганда судьялар кўпгина қийинчиликларга дуч келишган. Муамони ҳал қилишнинг энг мақбул усули эса қонунларни (янги ва кодификация қилинган қонунларни) жамоатчилик билиши учун қаттиқ материал ёки металл тахтачаларга ёзиб шаҳар майдони ва суд жараёни ўтказиладиган ҳудудда жойлаштиришган (Бобилда ибодатхона майдони, Римда форум ва ҳоказо). Қадимги Шарқда одат нормалари ва қонунларни

³ nomos (қонун) ва logos (сўз). Бу тушунчани “номологик презумпция” термини аниқроқ очиб беради грекча nomos (қонун) ноmи (билим).

тош бўлақларига ёзиш одат бўлган бўлса, келиб чиқиши ҳиндевропа бўлган халқларида қонунларни тахта доскаларга ёзиш одат бўлган.

Қонунларни халқ яхши билиши учун қулай бўлган шаклда ёзишган яъни ритмик проза шаклида (Ману қонунлари). Қадимги Критда қонунларни, бирор бир ҳаракатни содир этишда қонунни билмасликнинг олдини олиш учун мусика орқали ўрганилса яхши эса қолади деган мақсадда махсус мусика ёрдамида ўргатишган. Қонунчиликни ишлаб чиқиш озод ва тўла ҳуқуқли фуқаролар қўлида бўлган давлатларда (Мессопотамия шаҳарлари, антик полисларда) таълимнинг зарурий белгиси сифатида фуқароларни ҳуқуқни билишга ўргатиш ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўлган. Қадимги Афинада ёшлар томонидан фуқаролик қасамёдини қабул қилишда қонунларни ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ҳимоя қилиш мажбурий тартиб бўлган; Римда XII жадвал қонунларини билиш фуқаролик лаёқатига эга бўлиш учун, биринчи босқич имтиҳони ҳисобланган. Ушбу ҳодисалар оқибатида барча ҳуқуқий тизимларда “Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди” деган қонуннинг мустаҳкамланишига олиб келди.

Номологик презумпциянинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши мантиқий табиий жараён ҳисобланади. Қадимий тарихдан билишимиз мумкинки, турли сабаб ва оқибатлар таъсирида қонунни билиш ҳодисаси таркиб топиб келди. XII жадвал қонунларининг рим ҳуқуқида кодификация қилиниши плебснинг талаби билан амалга ошиб халқлар ҳуқуқининг вужудга келишига (милоддан аввалги V аср ўрталаригача), қонунларни қўллаш, татбиқ қилиш ва шарҳлаш, патрицийларнинг ўз ҳуқуқларини англаш орқали номологик презумпциянинг аҳамияти ошиб борган. Бошқа бир ҳолатларда ҳуқуқни билиш (ўрта асрларда худди Япониядагидек) судьялар ва бошқарув хизматчиларининг мажбурий бурчи ҳисобланган. Вақт ўтиши билан жамиятда маълум социал ёки мансаб мавқеини эгаллаган шахс презумпциянинг аҳамиятини англай борган. Ҳар бир киши ҳуқуқда у билиши шарт бўлган қоидаларни билмасликка олиши уни ҳеч қандай жавобгарликдан

озод қилмаслиги аниқ ҳақиқатга айланган. Умумий қоида сифатида шахснинг ушбу ҳолатларда айбдор эмаслигини исботлаш унинг ўзига юклатилган.

“Ҳалқ суверенитети”, “Ҳуқуқий давлат” шиорларига амал қилган буржуа инқилоблари презумпциянинг қўлланишини дастлаб чеклашган бўлсада истисно тариқасида кейинчалик амалда қўлланила бошлади. Қонунларнинг орқага қайтишига йўл қўйиш (йўл қўймаслик) ҳолатлари, қонуннинг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиши, қонунчилик ҳоқимияти актларини белгиланган вақт тартибларда нашр қилишдан иборат барчанинг билиши мумкин бўлган турли регламентли презумпция ҳолатларини келтириш мумкин.

Презумпцияларнинг вужудга келиши билан у барча ҳуқуқ соҳаларида қўлланила бошлади. Масалан, ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларни чеклайдиган қонун камроқ тарғиб қилиниши, либерал ғояларга асосланган қонун эса аксинча кўпроқ тарғиб қилиниши лозим. Аммо, савол туғилади ушбу йўналишдаги қонунларни тарғиб қилиш презумпциянинг аҳамиятини оширмасмикан?

Давлат институтлари ҳуқуқий ҳолатининг мустаҳкамланиши билан ҳуқуқни талқин қилиш давлат органлари функциясига айлана борган, улар томонидан қонунларни презумпциявий моҳиятини талқин қилишнинг аниқ шакллари суд томонидан олиб борилган жараёнларда кўришимиз мумкин: Милоддан аввалги 90 йилларда рим судьялари томонидан Компонийнинг қуйидагича сўзлардан иборат васиятномаси кўриб чиқилган “Агар мен ўғил фарзанд кўрсам ва у вояга етмасдан оламдан ўтса, Курий менинг меросхўрим бўлишини хоҳлайман”. Шундай бўлдики беванинг ҳомиладорлиги соғлиги ёмонлиги туфайли шубҳа остида эди ва бу ҳолатда марҳумнинг яқин қариндоши Марк Компоний даъво билан судга мурожаат қилди. Ушбу жараён Цицероннинг ораторлик саънати ҳақидаги ишларида келтириб ўтилган⁴. Ушбу иш бўйича машҳур рим юристлари Красс ва Сцевола адвокат сифатида иштирок этишиб ўз фикрларини билдиришган яъни Сцевола васият

⁴ Цицерон. Ораторлик саънати ҳақидаги уч трактат. М., 1972, 294-295 б.

мазмунидан келиб чиқиб ёзилган қоидалар тарафдори бўлса, Красс эса адолат талаби васият қилувчининг эрки деб беванинг тарафини олган, иш якунида Красс жараёнда ютиб чиққан. Платоннинг “Кратил”даги ушбу сўзларини эслаш кифоя “ашёларни номлардан ўрганиб излаш эмас, уларнинг ўзидан излаш кифоядир”⁵.

Ф.Бекон Цицерон томонидан айtilган римча қуйидаги формулани изоҳлайди “*salus populi suprema lex*” халқнинг хоҳиши олий қонун бўлсин⁶.

Қадимги рус ҳуқуқида (қонун шубҳали кўринмаса), умумий моҳиятига кўра эса (қонунчиликда ўрнатилган қоидаларнинг аҳамиятига оид шубҳали ҳолатлар мавжуд бўлганда) аниқ билиш орқали ҳуқуқни талқин қилишга йўл қўйилган.

Презумпцияларни таснифлаш бирмунча қийинчиликлар туғдиради, яъни инглиз тадқиқотчилари қуйидагича иккита ҳар хил китобдаги бир хил тушунчаларни берадилар: бир йўналишда “ҳуқуқий презумпция” муносабатнинг предмети сифатида ишнинг расмий тарафида кўринса, иккинчи йўналишда суд томонидан ўрнатиладиган “фактик презумпция” сифатида “у ушбу ишга жойлаштирилган” бўлиб кўрилади⁷.

Моҳиятига кўра презумпциялар икки гуруҳга бўлинади: позитив ва негатив. Негатив презумпциялар цивилистикада кўп учрайди. Шартнома шартлари бажарилмаганда (талаблари бажарилмаганда) умумий қоида сифатида шартларни бажариши шарт бўлган шахсга нисбатан презумпциявий ҳолат кузатилади яъни у жавобгар бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида айб презумпцияси кенг доирада қўлланиша мумкин масалан: ота ва она-вояга етмаган фарзанд томонидан етказилган зарар учун, ҳунармандлар-шогирдларининг ҳаракатлари учун, топшириқ берувчилар “топшириқни бажарувчи”нинг ҳаракатлари билан боғлиқ назорат қилиб бўлмайдиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлади(Франция ФК нинг 1384 м.). Охириги ҳолатдаги ҳаракатларни Л.Морандьер қуйидагача изоҳлайди, биз ушбу

⁵ Платон.Кратил. Асар, I.т. М., 1968, 488-489 б.

⁶ Цицерон. Диалоглар. М., 1966, 135 б. Ф.Бекон XII жадвал қонунларига ушбу фикрни хато кўчирган.

⁷ Nousec C.D. An Introduction to Evidence. London, 1965, p. 55.

ҳаракатларга оид содир бўлиши мумкин бўлган назорат қилиб бўлмайдиган танлов асосидаги презумцияларни кўришимиз мумкин⁸.

Айбсизлик презумпциясига оид инглиз манбаларида қуйидаги фикрлар келтириб ўтилган, умумий қоида сифатида мажбурият юкланган шахс ўзининг айбсизлигини исботлаш унинг ўзига юклатилган аммо, даъвогар унинг содир бўлган ҳаракатларга алқадорлигини аниқ тавсифлаши шарт. Масалан: йўловчи устига вагонеткадан ғишт тушиб кетиши (эҳтиётсизлик оқибатида) ёки айбдорга алоқаси бўлмаган ҳолатда зарар поездлар тўқнашуви оқибатида келиб чиққан бўлса⁹.

Жиноий ишларда антик демократияга оид машҳур қоида мавжуд айбсизлик презумпцияси (*praesumptio bona viri*) “гумонлар айбланувчи фойдасига ҳал бўлади”¹⁰. Жиноий ва фуқаролик ишларини қиёслаган ҳолда Дженкс қуйидагича фикрларини беради, гумонланувчини айбдор деб топиш учун, далиллар худди фуқаролик процессидаги каби шубҳалардан холи равишда айбни исботлаши шарт¹¹.

Айтиб ўтиш мумкинки бугунги кунда презумпцияларга оид турли қарашлар мавжуд аммо, реалликда биз уларни жиноий ва фуқаролик ишларида кўришимиз мумкин.

Яна бир “юридик эҳтимолликнинг” шакли юридик фикциядир¹², рим ҳуқуқида машҳур бўлган (*fictio-ёлғон*). Р.Иеринг томонидан у “содир бўлиши мумкин бўлган акт” сифатида ҳуқуқ тизими томонидан кўзланган мақсадга эришишда қўллаб қувватланишни айтиб ўтилган. Иеринг юридик фикцияни

⁸ Жюлило де ла Морандьер Л, Гражданское право Франции, 2.т. М.,1960, 436 б.

⁹ Дженкс Э. Инглиз ҳуқуқи. М.,1947. 84-85 б.

¹⁰ Бунда қадимий тартиблар назарда тутиляпти яъни қуллик ҳолатининг исботланмаган шахсни озод деб ҳисоблаш (Гортин ҳуқуқи), даъвогар исботланмаганда кредитор даъвогар олдида мажбуриятларни бажаришдан соқит ҳисобланган (Боманур кутюмлари). Рим ҳуқуқи дигестларида қулнинг ҳуқуқий ҳолатига оид шубҳа мавжуд бўлса у озод ҳисобланган (Помпоний, д.50.70.20.); шартномадаги икки хил мазмун кредиторга қарши талқин қилинади (д.34.5.26.); “агар васиятнома икки хил мазмунда ва ҳаттоки адолат қоидаларига амал қилинмасдан ёзилган бўлса васият қилувчининг хоҳишига амал қилинган ” (Марцелл, д.34.5.24.) Ҳуқуқшунос Павел жиноят ҳуқуқида “енгилаштирувчи ҳолатларда ҳуқуқни талқин қилиш” тарафдори бўлган (д.50.70.155.)

¹¹ Дженкс Э. Ўша асар. 85 б.

¹² Презумпция фикциянинг ўзаро алоқадорлиги француз қонунчилигида учрайди, эр ва хотиннинг бир вақтда юзага келган ўлим ҳодисасида (авиавария ёки автомобил ҳалокатида) эр биринчи вафот этган ҳисобланади, унинг мулки хотинига ўтиб ундан қариндошларига ўтади. Медицина статистикасига асосланган ҳолатларга кўра хотиннинг бу ҳолатда тирик қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

“эхтиёжга бағишланган юридик ёлғон” сифатида тавсифлайди, у ишларни ҳал қилишда мумамоларни бартараф этишда асқотадиган “техник ёлғондир”¹³.

Рим ҳуқуқида худди Р.Иеринг каби тартиблар берилган масалан: Қул фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум шахс сифатида “гапирувчи қурол” деб юритилади ёки жангда иштирок этиб асрга тушган шахснинг ҳуқуқий ҳолатида, унинг болалари ҳарбий асрдаги отасининг мулкига меросхўрлик қилиша олмаганлиги сабабли бундай ҳолатда “асирдагиларни вафот этган”¹⁴ деб ҳисоблашган.

Фикция масаласи кўп тадқиқ қилинмаган бўлсада хулоса қилиш мумкинки ҳуқуқий институт сифатида унинг салбий ва ижобий жиҳатлари мавжуд. Юридик шахсларга нисбатан бўлган муносабатда у тарихий жиҳатдан “юридик шахснинг мустақил субъект сифатида таркиб топиши ва фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди...”¹⁵. Юридик шахс институтининг фуқаролик ҳуқуқида шаклланишида мулкдорларнинг ҳуқуқларини тартибга солишда ашёларнинг кўчар ва кўчмас эканлиги ва ҳ.к. масалаларда асқотди.

Англияда ерлар (Вильгельм босқинчи давридан) қирол мулки ҳисоблансада, ҳуқуқий асосда (фикция) парламент қазилма бойликларни миллий мулк сифатида эътироф этади.

Янги ҳинд ҳуқуқида фикцияларни кўлламасдан ҳуқуқ нормаларини талқин этиб бўлмайди, яъни ведалар ва смритлар ўртасида келишмовчилик ҳолатлари келиб чиқса (ведаларнинг ҳуқуқий шарҳлари) ведалар амал қилади. Агар муносабатни тартибга солувчи ведаларда кўрсатилмаган смритлар аниқланса, ишончли манба сифатида қаралиб бу норма ведаларда мавжуд бўлган аммо, йўқолган бўлиши мумкин деб қаралади.

¹³ Jhering R. Geist des Romischen Rechts, B. 2, tit/ 3. Berlin, S. 212.

¹⁴ “Душман кўлига асир тушиб қайтмаган шахс, асирга тушган вақтдан вафот этган деб ҳисобланган”(Ульпиан, д. 49.15.18.)

¹⁵ Юридик шахснинг цивилистик фикция сифатида буржуа концепцияларининг қисқача шарҳи. Қаранг.: Капиталистик мамлакатларнинг фуқаролик ва савдо ҳуқуқи. М., 1980, 57 б.

Юридик институт сифатида фикцияларни ҳуқуқ тизимидаги норма сифатида қўллаш ҳар доим ҳам ижобий оқибатларга олиб келмайди, юқорида кўрсатилган ҳолатлар бундан истисно.

2. Ҳуқуқдаги презумпция тушунчаси ва турлари

Презумпция (лотинча — эҳтимоллик) маълум бир фактларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида эҳтимол қилинган фактлар орасидаги боғлиқликка ва фактларнинг мавжудлигига асосланган ҳолда илгариги тажриба билан тасдиқланган тахминдир.

Презумпциянинг муҳим белгиси унинг тахминий тавсифи. Презумпция ишонч эмас, балки эҳтимоллик умумлашмасидир. Лекин унинг эҳтимоллик даражаси жуда баланд ва объектив дунёда ҳамда кундалик ҳаёт жараёнида қайтарилиб турадиган предмет ва кўринишлар орасидаги боғлиқликка асосланади.

Бир хил шароит ва бир хил вазиятда факт ва кўринишларни кузатиб, киши предмет ва кўринишлар ўртасидаги боғлиқликка, ўтган тажрибага асосланади ва албатта, шунга ўхшаш шарт, вазият бўлган тақдирда айнан шу факт ва кўриниш бўлади, деб тахмин қилади. Масалан, эр-хотиннинг биргаликдаги ҳаёти боланинг отасини — эр деб тахмин қилишга асос бўлади. Ишни кўрадиган судьянинг судланувчи, жабрланувчи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари билан қариндош-уруғчилик алоқаси судья ишни холисона кўролмаслиги мумкин деган тахминга асос бўла олади ва ҳоказо.

Презумпция ҳақиқатга эришишни енгиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Кўп презумпциялар кўп асрлик амалиёт ва фикрлаш фаолиятининг маҳсули ҳисобланади. Улардан фойдаланиш кишиларни бир фикрлаш жараёнини такрорлаш заруратидан холос қилади. Шунга кўра бундай презумпциялар ижтимоий тараққиётнинг қимматли бойлиги бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий презумпция — умумий презумпциянинг бир тури. Улар фақат ҳуқуқ соҳасидаги ёки фақат ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган нарса ва ходиса орасидаги боғлиқликнинг оддий тартибини акс эттиради. Ҳуқуқий презумпция ҳуқуқ нормаларида бевосита ёки билвосита мустаҳкамланади.

Ҳуқуқий презумпциялар турларга бўлинади.

Ҳуқуқий мустаҳкамлаш фактига кўра презумпция фактик ва қонуний бўлади. **Фактик презумпцияда** қонун акс этмайди ва шунинг учун юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин улар ҳуқуқни қўлловчи шахснинг ички ишончини вужудга келтиришда ҳисобга олинади.

Қонуний презумпция — бевосита ёки билвосита қонунчиликда мустаҳкамланган тахминдир. Масалан, Оила кодексида қайд этилган оталик презумпцияси.

Амал қилиш доирасига кўра, презумпция — умумҳуқуқий ва тармоқ презумпциясига бўлинади. **Тармоқ презумпцияси** фақат битта ҳуқуқ тармоғида амал қилади. Масалан, юқори давлат органининг қуйи (унга бўйсунувчи) давлат органига тааллуқли масалаларни ҳал қилишга ваколати борлиги тўғрисидаги тахмин. Юқори суд қуйи судга тааллуқли бўлган ишни ўз муҳокамасига қабул қилади.

Умумҳуқуқий презумпция истисносиз барча ҳуқуқ тармоқларида амал қилади. Улар умумҳуқуқий принципларга айланиб кетган. Ҳуқуқий тизимда презумпция фуқароларнинг инсофлигида, жиноят процессида айбланувчининг айбсизлик презумпциясида, қонунни билиш презумпциясида, норматив-ҳуқуқий актнинг ҳақиқатлилиги презумпциясида намоён бўлади.

Фуқароларнинг инсофлиги презумпцияси ҳар бир инсон бошқа ҳуқуқ субъекти билан ҳуқуқий муносабатга киришганда виждонли бўлишини тақозо этади. Ҳуқуқ талабига кўра одамшаванда киши шундай шахси, у бошқа шахсларга зарар етказадиган, уларнинг манфаатига, жамият ва давлат манфаатига зарар етказадиган ҳаракатни қилмайди ёки қонун талаб қилган ҳаракатни амалга оширади (ёки улардан воз кечади).

Инсофлилик презумпцияси ҳуқуқий тартибга солишда катта аҳамиятга эга ва ҳуқуқий нормаларни тартибга солувчи омил бўлиб ҳисобланади. Фуқаро олди-сотди шартномаси ёки бошқа фуқаролик ҳуқуқий битимини тузадими, жабрланувчи ёки гувоҳ кўрсатув берадими, даъвогар даъвосини асословчи далиллар келтирадими, йигит қиз билан никоҳдан ўтадими – улар барча ҳолатларда виждонли ҳисобланадилар, чунки уларда ёмон ният бўлмайди. Ҳар қандай ҳуқуқий тизимда бу презумпциянинг бўлмаслиги ҳаддан ташқари қийинчиликни юзага келтирган бўлар эди.

Қонунни билиш презумпцияси илк бор рим ҳуқуқида ташкил қилинган ва қўлланилган ҳамда қуйидаги формулада ўз мазмунини топган: “*nemo ignorantia iuris recusare potest*”, яъни қонунни билмай туриб, ҳеч кимни кундириш мумкин эмас”.

Агар киши ҳуқуқий билимсиз бўлса, ҳуқуқ ва манфаати зарар кўради. Унинг ҳуқуқбузарлик содир этиб, ҳаракати ҳуқуққа хилоф эканлигини ва жазоланиши мумкинлигини тушунмаганлиги ёки қонунни билмаганлиги унга жазо белгилашда эътиборга олинмаслиги лозим.

Ҳуқуқни татбиқ қилувчи органлар ва мансабдор шахслар бундай вақтларда фуқаро ўз давлатининг қонунларини билиши зарур деган хулосага таянадилар. Ушбу презумпциянинг маъноси шунда. Акс ҳолда ҳуқуқни татбиқ қилиш фаолиятининг субъектларига тинимсиз равишда «Фуқаро қонунни билармиди ёки йўқмиди»? деган масалани тушунтиришга тўғри келар эди. Шу сабабли улар асосий, ҳал қилиниши лозим бўлган масалага етиб келишлари қийин бўлар эди. Ҳуқуқий тизимда презумпциянинг аҳамияти ана шу билан белгиланади.

Ҳуқуқий деб аталишга даъво қилувчи давлат барча фуқаролари норматив ҳужжатларининг асосий қоидаларини билишларидан манфаатдор бўлиши лозим.

Бу презумпцияни таъминлашнинг шарти қуйидагилар: муҳим норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда мамлакат аҳолисини кенг жалб қилиш; ҳужжатларнинг тушунарли ва аниқ бўлиши, уларни қабул

қилиш тафсилотининг яхши ишланганлиги ва бу ҳужжатларнинг кўп нусхада нашр қилиниши лозимлиги.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳақиқат презумпцияси қонун чиқарувчи ҳужжат орган томонидан қабул қилинганлигини, аввало, қонуний, ҳаққоний, тўғри, ички ва ташқи тартиб талабларига жавоб беришини норматив-ҳуқуқ ҳужжатда ҳақиқат акс эттирилганлигини билдиради. Уларда:

биринчидан, ижтимоий муносабатни тартибга солувчи ҳолатни тўғри акс эттириш;

иккинчидан, уларга ҳуқуқий тақдимнома санкция ва тавсияномалар билан тўғри юридик баҳо бериш;

учинчидан, тегашли давлат органининг ваколати ва вазифаси доирасида матбуотда чиқиш қилиш;

тўртинчидан, унинг тузилишига, шакли, нашр қилиш тартаби, унга юридик куч бағишлаш каби қўйилган талабларга жавоб бериш назарда тутилади.

Мазкур талабларга жавоб берадиган норматив ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий дейишга асосимиз бўлади. Лекин кўпгина ҳужжатлар ҳақиқий бўлмаганлиги учун қатъий тасдиқлаш мумкин эмас. Ушбу презумпция эса уларнинг ҳақиқийлигидир. Ҳақиқат презумпцияси жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётида барқарорликни вужудга келтиради, ижтимоий ва бошқа вазифаларни ҳуқуқий воситалар билан ҳал қилишнинг зарурий шартини яратади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳақиқат презумпцияси — ушбу акт йўлланган барча субъектлар учун унинг бажарилишининг мажбурий шarti.

3. Ҳуқуқдаги фикция тушунчаси ва мазмуни

Ҳуқуқий фикция (ёлғон, уйдирма) — мавжуд бўлмаган ҳолат, қонунчилик билан мувофиқ келадиган ҳолатда умуммажбурий кучга эга бўлади. Фикция — бу ҳақиқий бўлмаган ҳолатдир. Лекин улар, билимнинг турли тармоқларида кенг қўлланилади. Қонунда мустақамланганлиги учун фикция юридик ҳуқуққа айланади.

Ҳуқуқий фикциялар қадимги ҳуқуқий тизимлардаёқ қўлланила бошланган.

Фикция ҳозирги замон ҳуқуқида ҳам маълум. Чунончи фуқаролик кодексида «Фуқарони ўлди деб эълон қилинган кун, суднинг уни ўлди деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган кундан деб белгиланади» дейилган.

Фуқаронинг ўлган кунини суднинг унинг ўлими ҳақидаги қарорини қонуний кучга кирган кунига боғлаш масаласи тўғрими? Йўқ, албатта, чунки бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Бундан ташқари буни фикция деб ишонч билан айтиш мумкин. Айрим ҳолларда суд қарорининг кучга кирган кунини, фуқаронинг ҳақиқатан ҳам ўлган кунига тўғри келиб қолиши мумкин, лекин бу мутлақо тасодифий бўлади.

Фиктив (қалбаки) ҳолат жиноят қонунида ҳам мавжуд. Буни судланганликни олиб ташлаш масаласида кўриш мумкин. Қонунда белгиланган тартиб судланганлик олиб ташланиши ёки зиённинг қопланиши ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Ҳуқуқий тизимда фикциянинг зарурлиги шундаки, улар ижтимоий муносабатни тартибга солади ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатига аниқлик ва равшанлик киритади.

Фуқаронинг бедарак йўқолишини, ўлишини, судланмаган деб ҳисоблашни ва бошқа ҳолатларни тан олиш — субъектнинг ҳуқуқ ва бурчи билан боғлиқ бўлиб, уни юзага келтирадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган юридик фактдир. Уларда ҳар қандай ноаниқлик мавжуд бўлиши

ёки бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг қонунда фиктив бўлса ҳам ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши нафақат оқланади балки, ҳуқуқ тизимида зарурдир.

Ҳуқуқий фикциялар барча ҳуқуқ соҳаларида машҳурдир, аммо бошқаларга қараганда кўпроқ фуқаролик суд ишларини юритишда кўп учрайди. Ҳуқуқий фикциялар фуқаролик ишларида объектив ҳақиқатни рад этган ҳолда ишни адолатли ҳал қилиш учун зарурдир¹⁶.

Ҳуқуқий презумпция ва фикцияни айрим ҳуқуқшунослар ҳуқуққа хос бўлмаган деб атайдилар, чунки улар оддий ҳуқуқий категория доирасига тўғри келмайди.

Ҳуқуқий тизим, қотиб қолган эмас. У доимо ривожланишда вақт ўтиши билан унинг таркибий қисми рўйхати ҳам, бизнинг у ҳақдаги тасаввуримиз ҳам ўзгариши мумкин.

4. Ҳуқуқий презумпциянинг бир кўриниши сифатида - Айбсизлик презумпцияси

Юридик энциклопедик луғатда Айбсизлик презумпцияси бу (лотинчада Praesumptio – тахмин, гумон) жинойт содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди¹⁷ – деган таъриф билан изоҳланади.

Айбсизлик презумпцияси жинойт процессининг муҳим демократик тамойилларидан бири бўлиб, у шахсий ҳуқуқни муҳофаза қилиш кучига эга бўлган ҳолда асоссиз айбланиш ва жазолашнинг олдини олувчи восита ҳисобланади.

Айбсизлик презумпцияси бугунги кунда илмий - оммабоп мунозарали мавзу тадқиқотга айланган. Буюк мутаффакир олимлар Айбсизлик презумпцияси ҳақида ҳали аниқ бир фикр ва тушунчага келмаганлар.

¹⁶ И.Зайцев Правовые фикции в гражданском процессе. Комментарий нового законодательства 1/97 с.35.

¹⁷ Юридическая энциклопедия / Отв. ред. Б.Н. Топорнин.-М.: Юрист, 2001.-1272 с.

Таҳлилларга кўра, Айбсизлик презумпциясининг маъноси борасида тўлиқ ва аниқ бир тўхтамга келингани йўқ.

Шахсий дахлсизлик ҳар бир фуқаронинг ким томонидан бўлмасин, ўз ҳаётига, соғлиғига, эркига, ор-номуси ва кадр-қимматига қилинадиган тажовузлардан давлат муҳофазаси ва ҳимоясини олиш ҳуқуқини билдиради.

Фуқароларнинг озодлигига ғайриққонуний тажовуз этиш жинойтдир. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Аmmo бу фикр ҳам Айбсизлик презумпциясининг асосий манбаларидан бўла олмайди. Айбсизлик презумпциясининг этик аспекти тобе характерга эга бўлиши керак.

Айбсизлик презумпциясининг маъносида асосий негиз ётмоғи лозим. Этик томондан қолган жиҳатлари унинг туб маъносини тобе боғлайди.

Россия Федерацияси Конституциясининг 49-моддасида: “айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас” – деб ёзилган. Ушбу моддага шарҳ берсак, шундай хулосага келамиз: “ўз айбига иқроп бўлган шахс айбсизлигини исботлай олмайди”. Келтирилган шарҳ муаммонинг борлигидан далолат беради. Презумпция маъносини тўғри талқин қилиш учун албатта унинг тарихини, асосий негизини, шунингдек Россия қонунлари ва амалиётини тўлаққонлича ўрганиш даркор.

1993 йилнинг 12 декабрда Россия Федерацияси Конституциясининг 49-моддасида Айбсизлик презумпциясига таҳлил берилган. Унда қайд этилишича, ҳар бир айбдор ўз жинойти ошкор қилинмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади. Россия Федерацияси Жинойт Процессуал Кодексининг 15-моддасида Айбсизлик презумпциясига қуйидагича таҳлил берилган. Айбдор ўз айби исботланмагунга қадар, ҳамда суд ҳукмининг қарори чиқмагунга қадар, айбдор айбсиз ҳисобланади, деб таъкидланган.¹⁸ Агарда бунинг маъноси талқин этиладиган бўлса, бундан шундай хулосага келиш мумкин-ки, айбдорни таҳминий тергов қилиш айбсиз шахсни айблаш, шунингдек уни

¹⁸ Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР. – 5-е изд. М.: 2001.

камаш маъноси тушунилади. Прокурорнинг айблов хулосасига кўра иш судга тортилади. Суд ишни қабул қилиб, уни муайян вақт мобайнида ўрганиб чиқиб, унинг айбдор ёки айбсиз эканлигини исботлаб беради. Агарда суд айбдорнинг айбини исботлаб, айблов ҳукмини чиқарса, шунингдек жазо тайинласа, лекин айбдор ўзининг айбига иқроп бўлмай, яъни тан олмаса, 7 кун мобайнида ҳукм қонуний кучга кирмасдан олдин, кассация инстанциясининг кучида қолиши мумкин.

Конституцион формуланинг Айбсизлик Презумпцияси нафақат фуқароларга балки прокурор, ҳамда терговчи ходимларга ҳам тааллуқлидир.

Россия Федерациясида айбдорни камаш уни жиноий жавобгарликка тортиш қодалари Жиноий Процессуал Кодексида кўрсатиб ўтилган.

Қонун қарорлари асосланган бўлиши керак, шунингдек исбот ҳам тўла қонлича бўлиши лозим. Агарда исбот ва далиллар етарли бўлмаса, айбдорга айб қўйиш қатъиян маън этилади.

“Айбсизлик презумпцияси” Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида:

Жиноят ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий, назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

1. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тил, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар¹⁹. Агар бирон бир шахс жиноят процессида иштирок этиш даврида ирқий ёки миллий мансублигига қараб ҳуқуқларидан чекланса ёки бу шахсга ҳаддан ташқари имтиёзлар бериладиган бўлса, билвосита ёки бевосита равишда бу ҳаракатлар амалга оширилишига қарамай, бунда мансабдор шахс қонунда қайд этилган жавобгарликка тортилиши керак.

2. ЖПК фуқароларни қонун ва суд олдида тенглигини қуйидаги чегаралар билан белгилаган, яъни фуқаролар қонун ва суд олдида уларнинг:

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон» 2003

а) ижтимоий, молиявий ёки мансабдорлик ҳолатларига

б) жинси, ирқи, миллати, тилига

в) дини, эътиқодига қарамасдан тенг ҳуқуқли ҳисобланади, қонун ва суд олдида тенгдирлар²⁰.

3. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги шуни билдирадики, жиноят ишини қўзғатиш даврида, дастлабки тергов жараёнида ва жиноят ишини судловида барча фуқароларга нисбатан ягона жиноят ва жиноят процессуал қонунлар мажмуи қўлланилади.

4. Суд олдида фуқароларнинг тенглиги дастлабки тергов даврида уларни суриштирувчи, терговчи ва прокурор олдида тенгликларини инкор қилмайди.

5. Дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан одил судловни бошқа фуқароларга қараганда шахсларга нисбатан розилик бергандан сўнггина амалга оширилади. Акс ҳолда бундай шахслар персона нон грата (*persona non grata*), яъни нуфузга эга бўлмаган шахс деб эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан чиқариб жўнатилишлари мумкин.

6. Агар шахс депутат бўлса, жиноят содир этган тақдирда унинг депутатлик ваколатномаси бекор қилингандан кейин айнан шу шахсга нисбатан жиноят ва жиноятқ процессуал қонунлар талабларини қўллаш мумкин бўлиб, у бошқа фуқароларга нисбатан ҳеч қандай имтиёзлардан фойдаланмайди, балки улар билан тенгҳуқуқлик мавқеига эга бўлади.

Судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишлари шарт.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсон шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқатилиб кетишига олиб келадиган, соқлигини

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят- Процессуал кодекси (2004 йил 29 сентябргача ўзгартириш ва қўшимчалар билан)

хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқиш тақиқланади.

Суд инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига таалуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, унга маънавий азоб-уқубат етказадиган маълумотларни, агар бундай маълумотлар ишдаги далилларга оид бўлмаса, ҳукмда кўрсатишга ҳақли эмас. (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил, 2 май қарори).

Жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт. Ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамокқа солиниши мумкин эмас.

Суд ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамокда сақланган ҳар қандай шахсни дарҳол озод қилиши шарт.

ХУЛОСА

Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида бизнинг вазифамиз, бакалаврият юриспруденция соҳасидаги барча фанларни тўлиқ ўзлаштириш, келажакда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг амалга ошишида етук мутахассис сифатида ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларида олиб борилаётган дастурий ўзгаришларнинг барчаси биз учун келажак авлоднинг фаровонлигини таъминлаш учун қилинмоқда. Шу ўринда чуқур ўйлаб айтиш мумкинки мамлакатимизда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг мақсади ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги, давлат ва жамият мақсадининг туб негизида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш тушунчасининг ётганлиги барчамизга маълум. Зеро биз, президентимиз И.А.Каримовнинг “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”²¹ деган теран фикрларини унутмаслигимиз лозим.

Ҳуқуқдаги презумпциялар ва фикциялар мавзусини ўрганган манбадан келиб чиқиб қуйидаги таклифларимни бермоқчиман:

1.Биз бўлажак ҳуқуқшунослар Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида алоҳида мавзу сифатида “Ҳуқуқдаги презумпциялар ва фикциялар” мавзусини алоҳида семинар дарсида ўргансак.

2.Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришда ҳуқуқий фикцияларнинг мазмун моҳиятига оид фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқшунослар учун (судялар, прокурорлар, юристлар учун) алоҳида семинар тренинг ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Жинойт процессида айбсизлик презумпцияси тамойилинининг мазмун ва моҳияти ҳақида биз талабаларга махсус ташкил этилган давра суҳбати

²¹ Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари –энг олий қадрият.Халқ сўзи газетаси 2005й 8 декабр сони.

ташкил этилса чунки ушбу масалада фуқароларимизнинг кўпчилиги ҳуқуқшуносларга, жумладан бизга ҳам мурожаат қилишади.

Ўйлайманки Ҳуқуқдаги презумциялар ва фикциялар менинг дастлабки тадқиқот ишим бўлиб баъзи бир камчиликлар мавжуд бўлса бундан кейинги ишларимда албатта, уларни инобатга оламан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – 174 б.

18. Каримов И.А. Ватанзимнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

19. Каримов И.А. Жаҳон моливий иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -264 б.

20. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -56 б.

21. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 360 б.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. –916 б.

2. Исламов З.М. Верховенство права. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2011. -236 с.

3. Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права: Учебник. Под ред. акад. Абдурахманова К.Х. –М.: Рос. экон. акад., 2008. -620 с. Венгеров А. Б. Теория государства и права. М., «Юрист», 1995, 17-бет.

4. Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўқув қўлланма. –Тошкент. ТДЮИ, 2011. – 90 б.

5. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Проф.Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. –Т.: Sharq, 2009. –592 б.

6. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Ўқув қўлланма. –Тошкент. ТДЮИ, 2011. – 170 б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. Абдурахмонов Ғ. Қонун ижодкорлиги ва қонун тили услуги // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2003. - № 1.

2. Азимова Г. Қонун ижодкорлиги // Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№ 1.

3. Ахмедшаева М.А Қонунчилик техникаси ва талаблари. // Илмий-амалий анжуман маъруза матн. 5 август 2005. -Т/ТДЮИ 2005.

4. Арция С. Язык и стиль процессуальных документов // Рос. Юстиция. -2002. - № 7.

5. Бошно С. В. Влияние судебной практики на законотворчество // Государство и право. -2004. - № 8.
6. Булаков О. Н. Особенности реализации законодательной функций Советом Федерации и верхними палатами европейских государств / О. Н. Булаков // Государство и право. -2004. - № 7.
7. Джамалдинов С. А. Совершенствование механизма принятия и официального обнародования актов в рамках нормотворческой деятельности СНГ / С. А. Джамалдинов // Правоведение. -2003. - № 4.
8. Дубов И.А. Законодательная инициатива. Проблемы и пути совершенствования // Государство и право. -1993. -№ 10.
9. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги.Т.-.ТДЮИ, 2005.
10. Ермаков Д. Н. Законотворческая деятельность администрации Президента Аргентины Х. Д. Перрона / Д. Н. Ермаков // Государство и право. -2003. - № 6.
11. Крестьянинов Е.В. Особенности порядка принятия федеральных конституционных законов // Государство и право. -1995.-№ 12.
12. Кудрявцев И.В. Ҳуқуқий экспертиза ва қонунлар сифатини ошириш масаласи. Илмий-амалий анжуман маъруза матн. 15 октябр 2005 йил.
13. Курманов М. М. Участие законодательного (представительного) органа государственной власти субъекта Российской Федерации в федеральном законодательном процессе / М. М. Курманов // Государство и право. - 2004. - № 10.
14. Кашанина Т.В. Уйти от монополизма в правотворчестве // Общественные науки и современность. -1992. -№ 2.
15. Кокотов А. Н. Федеральный законодательный процесс: Понятие и структура / А. Н. Кокотов // Правоведение. - 2001. -№ 1.
16. Малков В.П. Опубликование и вступление в силу федеральных законов, иных нормативных правовых актов // Государство и право. -1995. -№ 5.
17. Морозова Л. А. Юридическая техника (обзор материалов научно-методического семинара) // Государство и право. -2000, -№11.
18. Морозова Л. А. Юридическая техника (обзор материалов научно-методического семинара) (окончание). // Государство и право. -2000. -№ 12.
19. Муҳиддинова Ф. Қонун муқаммаллиги - тараққиёт асоси /7 Ҳаёт ва қонун. -2003. - № 1_.
20. Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. (Монография). -Т.: Ўзбекистон, 1995.
21. Одилқориев Ҳ. Т. Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси //Давлат ва ҳуқуқ.-2004. -№ 6.
22. Одилқориев Х., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. (Монография). Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

23. Саидов А, Х. Кўчимов Ш. Н. Қонунчилик техникаси асослари. - Т.: Адолат, 2001 ..
24. Соколова А.А. Социальню аспекты понятия "правообразование" // Государство и право. -2004. -№ 7.
25. Скурко Е. В. Метод социально-правового моделирования в решении задач правотворчества / Е. В. Скурко // Государство и право. -2003. - № 1.
26. Рарог А. И., Грачёва Ю.В. Законодательная техника как средство ограничения судейского усмотрения. // Государство и право. -2002. -№ 11.
27. Троицкий В.С., Морозова Л.А. Делегированное законотворчество // Государство и право. -1997. -№ 4.
28. Закон: создание и толкование / под ред. А. С. Пиголкина, -М.: Спарк, 1998.
29. Шорахмедов Ш. Қонун ижодкорлиги // Ҳаёт ва қонун. -2002. -№2.
30. Уразаев Ш.З. Модель закона: Какой ей быть? -Т.:Фан, 1990.
31. Уразаев Ш.З. Власть и закон. -Т.: Фан, 1992.
32. Файзиев М.М. Законодательство Республики Узбекистан в человеческом измерении. -Т.: Фан, 1996.
33. Умарова К. Развития законотворческого процесса в Республики Каракалпакстан. Материалы обидественной дискуссии. - Нукус, -2005.
34. Червонюк В. И. Согласование интересов как вид современных законодательных технологий / В. И. Червонюк, И. В. Гойман-Калинский // Государство и право. - 2004. -№ 8.
35. Ҳасанов А. Ҳуқуқ ижодкорлиги // Ҳаёт ва қонун. -2002. - № 2.
36. ҲайдаровХ. Қонун -- ҳаракатлантирувчи куч // Ҳаёт ва қонун. - 2002. - № 2.